



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2026 йил – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 17 январь, № 11 (9182)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Акс садо

ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ҲУЖЖАТ

Бугунги кунда ҳар бир ривожланган мамлакат ўз тараққиётини узоқ муддатли режалаштириш ва аниқ мақсадлар асосида бошқариши долзарб аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси мамлакатимизнинг яқин ва ўрта истиқболдаги ривожланиш йўналишларини белгилаб берувчи муҳим дастурий асосдир.

Бу стратегик ҳужжат юртимиз келажагини — иқтисодиётимизни модернизациялаш ва барқарор ривожланишни таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Янгиланаётган Стратегияда энг асосий вазифалардан бири сифатида sanoat маҳсулотлари ҳажмини 2030 йилга бориб 2,5 баробар ошириш белгиланган. Бу нафақат ички бозорни қондириш, балки экспорт салоҳиятини 3 қарра кўпайтириш имконини беради. Мисол учун, юқори қийматли ишлаб чиқариш ва инновацион технологиялар ҳисобига умумий sanoat

ҳажмини 120 млрд. долларга етказиш режалаштирилган. Бу эса 200 мингдан ортиқ иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини сезиларли даражада оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, унда sanoat соҳасида 100 дан ортиқ замонавий технопарк ва sanoat зоналари ташкил этиш, 500 та инновацион лойиҳани амалга ошириш ҳам кўзда тутилган. Бу нафақат иқтисодий ўсишга, балки мамлакатимизнинг инновацион салоҳиятини ҳам юксалтиришда муҳим қадам ҳисобланади.



ТАШҚИ СИЁСАТДА

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ҲИМОЯСИ – УСТУВОР ВАЗИФА

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Ташқи ишлар вазирлиги ва хориждаги дипломатик ваколатхоналар фаолиятига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида масъул вазирлик ҳамда элчихоналар олдига муҳим вазифалар қўйилди.

Ўзбекистоннинг хориждаги ва чет давлатларнинг Ўзбекистондаги элчилари йиғилишида Президентимиз томонидан илгари сурилган таклиф ва ташаббусларга, кун тартибига қўйилган вазифаларга ўз муносабатларини билдирди.

3-саҳифага қаранг.



Учрашув

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДЕМОГРАФИК ЁНДАШУВИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ



Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Орзигул Козихонова БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Нигина Абсазде бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди.

Суҳбат чоғида 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган мамлакат дастурини амалга оширишнинг устувор йўналишлари муҳокама қилинди. У гендер тенглик ва репродуктив саломатлиқни таъминлаш, демографик масалалар бўйича Ўзбекистон сиёсати ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларини қўллаб-қувватлашни, парламент ва тегишли давлат тузилмалари билан ҳамкорликни назарда тутди.

Учрашув якунида иштирокчилар самарали шерикликка ҳамда аввал эришилган келишувларни амалга ошириш йўлида биргалликда ҳаракат қилишга тайёр эканликларини билдирди.

Сенаторлар — ҳудудларда

КУН ТАРТИБИДА – ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТНИ ЯХШИЛАШ

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси Нусратулло Пардаев Жиззах вилоятининг Зарбдор туманидаги Оқар ва Навбахор маҳаллалари аҳолиси билан учрашув ўтказди.

Мулоқот давомида сенатор Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўлаган Мурожаатномаси мазмун-моҳиятига батафсил тўхталиб, мазкур дастурий ҳужжатда 2025 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, келгусидаги устувор вазифалар аниқ белгилаб берилганини таъкидлади.

Мурожаатномада бешинчи устувор йўналиш — экологик мувозанатни таъминлаш, “яшил” энергетика ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Сенатор ушбу йўналишдаги вазифаларни амалга оширишда ҳар бир фуқаронинг фаол иштироки муҳим эканини қайд этди.

«Халқ сўзи».

лигига ишончимизни янада мустаҳкамлади.

Давлатимиз раҳбарининг соҳада сунъий интеллект, рақамли бошқарув, узоқ масофага юқори аниқликда зарба берувчи воситалар, кибер ва робот технологияларини кенг жорий этишга оид топшириқлари нафақат ҳарбий хизматчилар, балки халқимиз томонидан ҳам қувонч билан кутиб олинди.



Очиқ парламент

ҚАДРИЯТЛАРГА УЎғУН ҲОЛДА РИВОЖЛАНИШ САРИ

Шу ҳафтада Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракцияларининг 2025 йил сарҳисоби ҳамда жорий йилдаги устувор вазифаларга бағишланган янги интерфаол ва креатив форматдаги тадбирлари қизгин ўтказилиб, ОАВ вакиллари батафсил маълумот тақдим этилмоқда. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси ташкиллаштирган очиқ мулоқотда Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномаси мазмун-моҳияти, “Миллий тикланиш” ДП ҳамда фракциясининг 2025 йил фаолияти якунлари бўйича журналистлар ҳамда блогерларга ахборот берилди.



Фракция раҳбари Алишер Қодиров дастлаб Мурожаатнома мазмун-моҳияти ҳақида тўхталиб, ушбу муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатда Ўзбекистонни янги даврга олиб бориш бўйича олти босқичдан иборат стратегик вазифалар белгилаб берилганини таъкидлади. Шунингдек, унда парламент олдига ҳам бир қатор вазифалар қўйилгани ва бу катта масъулият юклаши урғуланди.

Шунингдек, ҳисобот даврида партия сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, хусусан, туризм, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим тизимини ривожлантириш, ўқитувчи ва тарбиячилар малакасини ошириш, ушбу соҳаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллашти-

риш ҳамда таъсирчан парламент назоратини ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилгани айтилди.

Маълум қилинганидек, ўтган даврда фракция 2 та қонун лойиҳасини қўйи палатага киритган бўлса, яна 13 тасиغا ҳамташаббўсқор бўлди.

Ушбу қонун лойиҳаларида партиянинг сайловолди дастурида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсатини амалга ошириш, ҳуқуқий таъсир чоралари асосиз қўлланилишининг олдини олиш, хавфсиз муҳит яратиш ва ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш каби давлат ва жамият ҳаётидаги долзарб масалаларнинг ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратилди.



Улугбек РЎЗИМАТОВ
(«Халқ сўзи»).

Бунёдкорлик

КОРХОНАГА ТАМАЛ ТОШИ ҚўЙИЛДИ

Фарғона шаҳридаги Экошаҳар ҳудудида Жанубий Корейнинг “АНАУ” компанияси томонидан умумий қиймати 20 миллион доллар бўлган янги корхона қурилиши бошланди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда инвесторлар, вилоят фаоллари, нуронийлар ва жамоатчилик вакиллари қатнашди. Айтиш жоизки, “Саноат ипотекаси” тамойили асосида барпо қилинган технопарк ҳудудида 4 гектар майдонда қурилиш-бунёдкорлик ишлари олиб борилади. Шу тариқа лойиҳа доирасида интерфаол электрон доскалар, электромобиллар учун замонавий ва экологик хавфсиз зарядловчи қурилмалар, юқори аниқликка эга тиббий жиҳозлар ҳамда юқори қўшилган қийматли бошқа инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни

маҳаллийлаштириш режалаштирилган.

— Бу ерда фарғоналик юзлаб ёшлар учун иш ўринлари яратилиб, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро уйғунлик таъминланади, — дейди “АНАУ” МЧЖ хорижий корхонаси раҳбари Ку Ги До. — Истиқболли лойиҳа “яшил” технологиялар тамойили бўйича амалга оширилаётгани учун “Экошаҳар” концепциясига тўлиқ мос келиши билан ҳам аҳамиятли.

Тантанали тадбир якунида корхона қурилишига тамал тоши қўйилди.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).



ТАШҚИ СИЁСАТДА МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ҲИМОЯСИ – УСТУВОР ВАЗИФА

ФАОЛИЯТИМИЗНИ БАҲОЛАШНИНГ ЯГОНА ЎЛЧОВИ — НАТИЖА

Нодиржон ТУРҒУНОВ, Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистонидаги Фавкуллода ва мухтор элчиси:



— Давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз жаҳондаги нихоятда мураккаб ва қалтис геосиёсий вазиятни чуқур таҳлил қилган ҳолда, замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган янги ёндашув ва концептуал ечимларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Барча йўналишларда эришилган ютуқлар билан бир қаторда мавжуд камчилик ва заиф нуқталар ҳам кўрсатиб ўтилди. Йиғилишда қўтарилган масалалар ҳамда берилган топшириқлар асосида фаолиятимизни тубдан қайта қўриб чиқиш, аниқ натижаларга йўналтирилган режа ва вазифаларни белгилаб оламиз. Иқтисодий дипломатия, инвестициялар, савдо, туризм ҳамда қонуний ва тартибли миграция йўнали-

шида ишларимизни жадаллаштирамиз. Саудия Арабистони билан енгил саноат ҳамда миграция соҳасида, Бахрайн ва Иордания билан экспорт йўналишида аниқ натижалар кўрсатамиз.

Ушбу йиғилиш Ўзбекистон дипломатик хизмати учун янги масъулият, янги талаб ва янги имкониятлар даври бошланганини аңглатади.

Ўз навбатида, биз хорижда миллий манфаатларимиз ва фуқароларимиз ҳуқуқларини қатъий ҳимоя қиладиган, ташқи қақриқ ва хавф-хатарларга нисбатан ҳушёр, аниқ натижага йўналтирилган ҳамда Янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътиборини янада мустаҳкамлайдиган прагматик дипломатияни изчил ривожлантиришга хизмат қиламиз.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Дипломатик фаолиятни баҳолашнинг битта ўлчови бор, у ҳам бўлса — натижа!” деган қатъий талаб бундан буён ҳар бир кунимиз, ҳар бир қадамимиз ва ҳар бир музокарамизнинг бош ғоясига айланади.

САМАРАДОРЛИК — БОШ МЕЗОН

Фуркат СИДИҚОВ, Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги Фавкуллода ва мухтор элчиси:



— Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши биз, дипломатлар учун нафақат фаолиятимизни танқидий сарҳисоб этиш, балки Янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда мутлақо янги тизимга ўтиш “Йўл харитаси” бўлди. Давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган “Дипломатияда ягона ўлчов — бу натижа!” деган қатъий талаб АҚШ каби стратегик муҳим давлатда фаолият юритаётган элчиҳонамиз жамоаси учун бош ҳаракат дастури бўлиб хизмат қилади.

АҚШ дунёнинг энг йирик иқтисодиёти ва технологиялар маркази сифатида Ўзбекистоннинг иқтисодий дипломатиясида алоҳида ўрин тутади. АҚШнинг амалдаги Президенти Дональд Трампнинг ҳам Ўзбекистонга ва унинг раҳбари Шавкат Мирзиёевга ҳурмати баланд. Шу нуқтаи назардан, элчиҳонамиз олдида қўйилган вазифаларни амалга оширишда имкониятларимиз катта.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз энди “кабинет дипломатияси”дан воз кечиш, АҚШнинг 100 мингдан ортиқ ишчилари бўлган йирик корпорациялари ва “Фортуна 500” рўйхатида қирувчи компаниялари билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришамиз. Мақсадимиз — юртимизга нафақат сармоя, балки юқори технологияларни, Америка-

нинг илгор бошқарув тажрибасини олиб келиш ва тўқимачилик маҳсулотларимиз учун АҚШ бозорида мустаҳкам ўрин эгаллашдир. АҚШдаги “ТОП — 100”талика қирувчи нуфузли олийгоҳларни Ўзбекистон олий таълим муассасалари билан ҳамкор қилиб боғлаш, қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш келажғимиз бўлган ёшлар учун янги имкониятлар эшигини очади.

Президентимиз томонидан АҚШ ҳукуматининг қиллоқ ҳўжалиги ишчилари учун виза соддалаштирилганини инобатга олиб, Ўзбекистонни мавсумий ишчилар жалб қилинадиган давлатлар рўйхатига кириштиш бўйича музокараларни фаоллаштириш топширилди. Бу биз учун энг муҳим вазифалардан бири. Биз нафақат юртдошларимиз учун юқори даромадли иш ўринларини топиш, балки АҚШдаги ҳар бир ватандошимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, улар ишлаётган жойларга, талабалар ётоқхоналарига бориб, муаммоларини ҳал этиш учун бор кучимизни сафарбар қиламиз.

Ўзбекистоннинг 2035-2036 йилларда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий бўлмаган аъзолигига номзодини илгари суриш ва бошқа глобал ташаббусларини АҚШ сиёсий доираларида қўллаб-қувватлашишга эришиш — миллий дипломатиямизнинг устувор йўналиши бўлиб қолади. Президентимиз белгилаб берган янги мезонлар — ватанпарварлик, профессионализм ва натижадорлик руҳида ишлаш биз учун шараф. Биз ваъда берамизки, ҳар бир эришилган натижа халқимизнинг фаровонлиги ва Янги Ўзбекистоннинг равнақига хизмат қилади.

ДИПЛОМАТИЯ — БУ ШУНЧАКИ СИЁСИЙ АЛОҚАЛАР ЭМАС

Дилшод АҲАТОВ, Ўзбекистоннинг Германия Федератив Республикасидаги Фавкуллода ва мухтор элчиси:

— Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати кейинги 9 йилда очиклик ва прагматиклик касб этди. Натижада мамлакатимиз ташқи сиёсатида янги давр бошланди. Дунёнинг ривожланган давлатлари, жумладан, Германия Федератив Республикаси (ГФР)да Ўзбекистондаги ислотхотларга ишонч ортди. Шу боис немиш бизнесининг мамлакатимизга қизиқиши кучайди. Германия инвестициялари микдори кескин ошди, сайёҳлар оқими кўпайди: юртимизга 2025 йили ГФРдан 45 мингга яқин сайёҳлар ташриф буюрди.

ГФР билан юксак технологиялар, сармоя, касбий таълимни ривожлантириш, сунъий ин-



теллект, соғлиқни сақлаш ва бошқа истиқболли йўналишларда ҳамкорлиқни кенгайтиришимиз лозим.

Президентимиз раислигида ўтган видеоселектор йиғилишида элчилар олдида қўйилган вазифалар шуни кўрсатадики, эндиликда дипломатия бу шунчаки сиёсий алоқалар эмас, балки миллий маҳсулотларни дунё бозорларига олиб чиқиш ва энг илгор технологияларни

мамлакатимизга жалб қилишнинг асосий воситасидир. Ўтган йили Ўзбекистоннинг Европага экспорти 23 фоизга ошиб, 2,3 млрд. долларни ташкил этди. Бу — катта ютуқ, бироқ салоҳият бундан анча юқори. Шу маънода, Германия бозорига янада чуқурроқ кириб бориш, миллий маҳсулотларимизни Европа сифат меъёрларига мослаштириш элчиҳонамизнинг устувор вазифаси бўлади.

Шунингдек, ҳар бир фуқаромиз ўзини элчиҳона ардоғида ҳамкорлиқни кенгайтиришимиз лозим.

ЯНГИ ДАВР ТАЛАБЛАРИ БИЗГА КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

Ашраф ХЎЖАЕВ, Ўзбекистоннинг Қатардаги Фавкуллода ва мухтор элчиси:

— Президентимиз томонидан илгари сурилган илгор ғоялар ва белгиланган вазифалар зиммамизга улкан масъулият юклаш билан бирга, ишчимизнинг самарадорлигини ўлчаш учун аниқ мезонларни белгилаб берди. Қатар бозори юқори харид қобилиятига эга ва сифатли маҳсулотга интилувчи майдондир. Президентимиз таъкидлаганидек, ўзбек қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ўзининг табиий таъми ва сифати билан бу ерда рақобатбардошдир. Бизнинг вазифамиз Ўзбек брендини Қатарнинг йирик супермаркетлари ва ритейл тармоқларига нафақат олиб кириш, балки уларнинг доимий брендига айлантиришдир. Қатардаги элчиҳонамизга Африка мамлакатлари билан ҳамкорлиқни ривожлантириш вазифасининг бириктирилиши биз учун стратегик имконият. Африка — келажак бозори. Қатарнинг ушбу қитъадаги улкан инвестициявий ва логистик имкониятларидан кўприк сифатида фойдаланиш, миллий тадбиркорларимизни Африка бозорларига олиб чиқиш учун бор кучимизни сафарбар этамиз.

Биз Қатар фуқаролари ва бу ерда яшовчи хорижликлар учун Ўзбекистонни замонавий ҳамда хавфсиз сайёҳлик йўналиши сифатида та-



нитиш бўйича тарғибот ишларини кучайтирамиз. Зиёрат туризми, экотуризм ва гастрономик имкониятларимизни янги босқичда намойиш этамиз.

Давлатимиз раҳбари томонидан элчилар фаолиятини баҳолашнинг янги тизими — устама тўлаш ва рағбатлантириш механизмининг қўлланилиши биз учун катта мотивация. Эндиликда фаолиятимиз қуруқ ҳисоботлар билан эмас, балки йўналтирилган инвестиция ҳажми, экспорт шартномалари ва мамлакатимизга келган ҳар бир сайёҳ сони билан ўлчанади. Бу тизим “дипломатия — иқтисодиёт учун” таъмоилининг амалий ифодасидир. Президентимизнинг нафақат инвесторни қақриш, балки миллий тадбиркорни хорижга олиб чиқиш ҳақидаги топшириқлари бизнинг қундалик фаолиятимиз мезонига айланади. Биз Ўзбек тадбиркорларининг Қатар ва Африкада ўз ўрнига эга бўлиши, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси учун ҳақиқий иқтисодий вакил сифатида хизмат қиламиз.

ХИТОЙ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН МУНОСАБАТЛАРНИ ҚАДРЛАЙДИ

Юй ЦЗЮНЬ, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси:



— Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида ўтган видеоселектор йиғилишида илгари сурилган янги ғоялар ва белгиланган вазифаларни Хитой дипломатик ваколатхонаси катта қизиқиш ва эътибор билан қутиб олди. Президент томонидан белгилаб берилган — ўзбек тадбиркорларини нафақат мамлакат ичида қўллаб-қувватлаш, балки уларнинг ташқи бозорларга, хусусан, Хитой бозорига фаол кириб боришини таъминлаш стратегияси икки

давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни мутлақо янги босқичга олиб чиқишига ишончимиз комил.

Хитой — 1,4 млрд.дан кўп аҳолига эга дунёдаги энг йирик истеъмол бозори. Биз Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган сифатли тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги, қимё ва саноат маҳсулотлари Хитойнинг энг йирик савдо платформалари ва шахарларига кириб бориши учун “ашил йўлак”ларни кенгайтиришга тайёремиз. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистонлик йирик тадбиркорларни хорижга олиб чиқиш ҳақидаги топшириғи Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббуси билан тўлиқ ҳамохандир. Хитой бозори — глобал рақобат майдони. Ўзбекистонлик тадбиркорларнинг

бу майдонга чиқиши нафақат маҳсулот сотиш, балки замонавий менежмент, инновация ва рақамли иқтисодиёт бўйича Хитой тажрибасини ўзлаштириш имкониятини беради.

2026 йилда ҳам Хитой томони юқори сифатли тараққиёт ва очиклиқнинг юқори даражасига амал қилишни давом эттиради, жаҳон тараққиётига ижобий туртки беради ва кенг имкониятлар яратди. Биз Ўзбекистон томони билан биргаликда икки мамлакат тараққиёт стратегияларининг ўзаро уйғунлигини мустаҳкамлашга, давлат бошқаруви соҳасида тажриба алмашишни чуқурлаштиришга, барча йўналишлардаги ҳамкорлик салоҳиятини ҳар томонлама очишга тайёремиз. Хитой — Ўзбекистон ҳамкорлиги натижалари мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлигига хизмат қилади, албатта.



Абдували СОЙИБНАЗАРОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

РЕКЛАМА

«Elektron Realtor» МЧЖ

тўғридан-тўғри музокаралар олиб йўли билан ташкиллаштириладиган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдога таклиф этади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПК-142-сонли қарорига асосан «O‘zsanooatqurilishbank» АТБ балансида бўлган:

— Бухоро вилояти, Қоровулбозор тумани, “Тинчлик” МФЙ, Бобур кўчаси, 17-ўйда жойлашган маъмурий бино ва иншоотлар сотилади.

Сотиш шарти ва нархи билан “www.e-rieltor.uz” сайти орқали танишиш мумкин.

Савдога қўйилган мулкларни бевосита жойига чиқиб кўриш имкони бор.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар “e-rieltor.uz” платформаси орқали ариза беради.

Call-марказ: +99855-517-22-20.

Расмий сайтимиз: www.e-rieltor.uz

Дил сўзи ХАЛҚ ИШОНЧИГА ТАЯНАЁТГАН ТИЗИМ

Яқинда мамлакатимизда прокуратура органлари ташкил этилганининг 34 йиллиги кенг нишонланди. Ушбу сана прокуратура тизими учун тарихий аҳамиятга эга бўлиб, бугунги ислотхотлар самарасини яна бир бор намоён этди. Айниқса, давлатимиз раҳбари билан бўлиб ўтган учрашув ҳамда Прокуратура органлари ходимлари кўни муносабати билан бир гуруҳ фаолларнинг мукофотланиши барчамиз учун унутилмас ва масъулиятни воқеа бўлди.

Давлатимиз раҳбари томонидан прокуратура органлари фаолиятига юксак эътибор қаратилаётгани, тизим фахрийларига ҳурмат ва эъзоз кўрсатилаётгани биз учун катта рағбатдир. Бугун Президентимиз раҳбарлигида барча соҳалар қаторида ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида ҳам кенг қўламли ислотхотлар амалга оширилмоқда.

Энг муҳими, прокуратура органлари халқга янада яқинлашди. Фуқароларнинг муаммоларини ўрганиш, уларни ўз вақтида ҳал этиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, аҳоли ва тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш тизим фаолиятининг устувор йўналишига айланди.

Узоқ йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугун прокуратура органлари жазоловчи эмас, балки халққа қўмақдош тузилма сифатида фаолият юритмоқда. Натижада аҳолининг мазкур идорага бўлган ишончи тобора ортиб, муаммоларни биргаликда ҳал қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Тизим ходимлари томонидан доимий қабуллар ташкил этилиб, фуқаролар муурожаатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган йил давомида қарийб 512 минг нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди, 54 мингга яқин муурожаат, шу жумладан, салкам 29 минг тадбиркорнинг масалалари ижобий ҳал этилди. Бу рақамлар соҳа ходимларининг фидокорона меҳнатидан далолат беради.

Шунингдек, ҳудудларда қонунийликни таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат органлари фаолиятида очиклик ва жавобгарлик-

Ботир КАЛОНОВ, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази раиси, «Меҳнат шўхрати» ордени соҳиб.



ни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ислотхотлар натижасида прокуратура органларининг жамиятдаги ўрни янада мустаҳкамланиб, халқ билан мулоқот сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

Биз, фахрийлар, ўз тажрибамизни “Устоз — шоғирд” аъёналари асосида ёш авлодга ўргатиб келмоқдамиз. Бу эса ёш кадрларнинг билим ва касбий кўникмаларини оширишга хизмат қилмоқда.

Давлат мукофотиға сазовор бўлиш мен учун катта шараф. Уни кўп йиллик халол меҳнатимга, прокуратура тизимида виждонан олиб борилган хизматимга берилган юксак баҳо сифатида қабул қиламан. Айни пайтда бу эътирофни елкадош бўлиб хизмат бурчини бажарган ҳамкасбларим, бутун прокуратура жамоасининг меҳнати натижаси деб биламан.

Давлатимиз раҳбарининг ишончи ва эътибори биз учун катта қадриятдир. Ишончини қолдириш, прокуратура органлари кенгусида ҳам халқ ва давлат манфаатларига содиқ хизмат қилишда давом этади.

Фикр

СТРАТЕГИК МАҚСАД ВА ҚАТЪИЙ ШИЖОАТ ИФОДАСИ

Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсади — ҳар томонлама ривожланган, эркин ва фаровон, замонавий демократик давлат ҳамда очик фуқаролик жамиятини барпо қилишдан иборат. Ана шу улғу мақсад йўлидаги энг муҳим ва устувор вазифалар Президентимизнинг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида ўз ифодасини топди. Ушбу стратегик ҳужжат мамлакатлик ҳамда халқаро экспертлар томонидан юксак эътироф этилмоқда.

Мурожаатномада суд-ҳуқуқ тизимини ислотх қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мамлакатимиз ҳуқуқий сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Кейинги йилларда одил судловни таъминлаш мақсадида ўнлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар имзоланиб, миллий суд тизими тубдан янгиланди.

Хусусан, судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлашнинг очик ҳамда ошқорча тизими жорий этилди, Судьялар олий кенгаши конституциявий орган сифатида фаолият бошлади. Судьялар ваколат мuddатларининг босқичма-босқич белгилаб берилиши уларнинг мустақиллиги ва дахлсизлигини янада мустаҳкамлади.

Шунингдек, суд ҳокимиятининг молиявий мустақиллигини таъминлаш, маъмурий судлар ва тергов судьяси институтининг жорий этилиши фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тергов судьясининг фаолияти суд назоратини кучайтириб, жиноят процессида ҳақиқий тиртошув муҳитини яратишга хизмат қилмоқда.

Мурожаатномада суд жараёнларини рақамлаштириш, “рақамли суд” концепциясини ривожлантириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш вазифалари белгилаб берилди.

Шунингдек, жиноят ишларини қўриб қилишда “халқ вакиллари ҳайъати” институтини босқичма-босқич амалиётда қўлаш ташаббуси илгари сурилди. Бунда ўта оғир ва жамиятда шов-шувга сабаб бўлаётган жиноятлар жамоатчилик вакиллари иштирокида

қўриб чиқилиши суд ҳукмининг янада адолатли бўлишига хизмат қилади.

Гап шундаки, суд тизимида “халқ вакиллари ҳайъати” институтининг жорий этилиши натижасида ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти шaroитида суда энг муҳим демократик институтлардан бири шаклланишига эришилди.

Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шунинг баробарида жамият манфаатларини суд органлари орқали ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларининг ижросини таъминлаш имконияти ортишига олиб келади.


Шу билан бирга, давлат органларининг ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажариши устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш имкониятини кенгайтиради. Бундан ташқари, суд тизимида манфаатлар тўқнашуви (коррупция) ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шaroитларни аниқлаш ва уни таҳлил қилиш, бу иллатга қарши самарали курашиш ва унинг олдини олиш механизмларини тақомиллаштиради.

Мурожаатномада илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар инсон қадри, адолат ҳамда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган. Уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, айниқса, судьялар ва ҳуқуқшунослар зиммасига катта масъулият юклайди. Шу боис судья онгида адолат, тилида ҳақиқат ва дилида поклик устувор бўлиши шарт.

Аҳмад ИСМОИЛОВ, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), «Шўхрат» медали соҳиб.

ИНСОН ЮРАГИГА ЙЎЛ ҚУРАЁТГАН АДИБ

(Ўзбек адабиётининг таниқли намояндаси
Хайридин СУЛТОН ижодий портретига чизгилар)



Маънавият

**Инсон — тақдир,
тақдир — инсон...**

Хайридин Султон замонавий ўзбек адабиётининг нуфузли намояндаси, бутун қалб кўри билан адабиётга, ўзбек маънавиятига содиқ сиймолардан биридир.

Мен Хайридин ака билан кўп марта учрашдим, кўп бора суҳбатлашдим, гурунглашдим. Ҳар сафар кўришганимда унинг ўзига хос ботиний оламини кашф этгандек бўламан. У ўзбек миллий руҳи ва адабиётини қалбининг маънавий ўзагига шунчалик айлантириб олганки, буни адабнинг ҳар бир сўзидан, ички маданиятидан, ўз халқининг олтиндек меросини кенг қалбига жо қилган инсоний қиёфасидан яққол сезаман.

Шўро замони мураккабликлари, мустакиллик даври долғалари билан яшаган, уни бутун онги ва вужудига сингдирган бу одамда ўзгача фазилат бор. У ўз тақдири ва ҳаёт йўлида, ёзувчилик таржмаи ҳолида кўплаб улуг ижодкорлар билан мулоқотда бўлиб, улардан ўзига ўтган соф, ҳақиқий инсоний қадриятлари асраб-авайлаб олиб келаётгани доимо сезилиб туради.

Ўзбек адабиёти асрлар мобайнида улкан маънавий қарвон сингари одим отиб келмоқда. Жаҳон маданияти дурдоналари хазинасидан муносиб ўрин олган миллий адабиётнинг мумтоз намояндалари — Алишер Навоий, Бобур, Оғаҳи, Муқимий, Фурқат бўлса, ўтган асрнинг йиғирманчи йилларида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, ўзбек романичилигининг асосчиси Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон каби машҳур зотлар уларнинг йўлини давом эттирди. Ушбу маданий жараёнлар Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, сўнгра эса Асқад Мухтор, Абдулла Орипов, Эркин Вохидов каби адиблар ижодида узлуксиз тус олди. Ҳозирги кунда эса бу муҳим маънавий вазифани ўзбек адабиётининг ўнлаб забардаст вакиллари қаторида Хайридин Султон ҳам адо этиб келмоқда. Зеро, адабиёт авлоддан авлодга, замондан замонга ўтиб, унинг сафларини янги исмлар, янги истеъдодлар тўлдириб боради.

“Ёзувчи — ўз даврининг солномачиси”, деган гап бор. Шу маънода, Хайридин Султон насри, аввало, у яшаган замоннинг бадийи хроникасидир. Бу ўта оғир, қийин йилларнинг, йўқотиш ва топишларнинг, ҳаёт ва армоннинг ўзгарувчан, минг хил қиёфада товланадиган руҳий оламидир. Хайридин Султон — ана шу реалистик дунёнинг ботиний жиҳатларини, унинг сирлари, теран қатламларини, ҳаётини фалсафасини ҳар томонлама кўра олган ижодкор. Ёзувчи сифатида у ўша замоннинг гувоҳи бўлди, ўша даврнинг бадийи портретини яратди.

Тақдир — адиб ижодининг асосий фалсафий лейтмотиви. Ўзбек халқи, оддий одамларнинг ҳаёти, турмуш тарзи чуқур психологик, шу билан бирга, соф миллий феъл-атвори, характери ёзувчининг ҳар бир асари, ҳар бир сўзи ва интонациясида яққол сезилиб туради. Бу қаҳрамонлар кундалик ҳаётда кўзга гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай яшаётган одамлар бўлиб, уларнинг ранг-баранг тақдири эса бадийи-эстетик жиҳатдан юксак даражада акс эттирилган.

Адибнинг “**Бунчалар ширинсан, эй аччиқ ҳаёт!**” номили хикоялар тўпламида юзлаб бетақдор инсоний портретларни учратамиз. Бу асарларда оддий инсонлар, одмигина кишлоқ ва маҳалла ҳаёти орқали юракка қуюлиб кирган муҳташам полифониянинг ўзига хос оҳанги ва куйи бор.

Хайридин Султон Абдулла Қодирийдан тортиб Ғафур Ғулом,


Ёзувчи ва замон

Хайридин Султоннинг адабий мактаби тарих ва тақдирнинг ўзгача саҳифаси яратилган мураккаб бир даврда шаклланди. Коммунистик мафкура ҳаётда буткул ҳукмрон бўлишига қарамай, ўша пайтда ҳам ўз овозини, ўз позициясинигина эмас, аввало, ёзувчилик шаънини тоза инжудек сақлаб қолган, умумий хайбаракаллачилик жараёнидан фарқланиб турган ёзувчилар бўлган. Шу нукта на зардан қараганда, собиқ иттифок даврининг машҳур ёзувчилари — Чингиз Айтматов, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиоров, Василий Шукшин, Валентин Распутин, Мухтор Авезов, Абиш Кекилбоев, Нодар Думбадзе, Ион Друце, Анатолий Ким, Чингиз Абдуллаев, Анар Рзаевга яқин сафдош келган адабий авлоднинг ёрқин намояндаларидан бири Хайридин Султон эканини айтиш лозим. У замонавий ўзбек адабиётининг йирик вакили сифатида юқорида номлари айtilган

ниб ўқидим. Мана шундай қатор ҳикоя ва қиссалари, “Бобурийнома” ва “Ялдо кечаси” сингари муҳташам романлари, албатта, алоҳида таҳлилни талаб қилади.

Маърифатли жамият ва чинакам адабиётнинг нуфузли намояндалари, ҳеч шубҳасиз, миллатнинг маънавий лидерларидир, улар ўз асарлари орқали инсон ва ҳаётни ўзгартаришга таъсир эта олади.

Хайридин Султонни “**маънавий лидер**” деб атар эканмиз, уни сиёсий ҳаризма ёки оммавий машҳурлик билан эмас, балки, аввало, жамоат онига таъсири кучли, юксак интеллектуал шахс, бетақдор адиб, миллат оидини сифатида тушуниш тўғриси бўлади. У ўзининг бадийи амплуасида тарихни идеология эмас, маданий хотира сифатида баҳолайди. “Бобурийнома” маърифат романида буюк ҳукмдор ва шоир, беназир аллома Заҳирид-



“Ёзувчи — ўз даврининг солномачиси”, деган гап бор. Шу маънода, Хайридин Султон насри, аввало, у яшаган замоннинг бадийи хроникасидир. Бу ўта оғир, қийин йилларнинг, йўқотиш ва топишларнинг, ҳаёт ва армоннинг ўзгарувчан, минг хил қиёфада товланадиган руҳий оламидир. Хайридин Султон — ана шу реалистик дунёнинг ботиний жиҳатларини, унинг сирлари, теран қатламларини, ҳаётини фалсафасини ҳар томонлама кўра олган ижодкор. Ёзувчи сифатида у ўша замоннинг гувоҳи бўлди, ўша даврнинг бадийи портретини яратди.

Одил Ёқубов, Эркин Вохидов, Абдулла Ориповгача бўлган ўзбек эстетик дунёқарши ва адабий тафаккурини янада теранлаштирди. Шу билан бир қаторда, у оригинал образлар галереясини яратиб, ўзгача бир йўналишда, ўзгача бир темпераментда — айнан ўзига хос услуб ва бадийи оҳангда ижод этиб келмоқда.

Ёзувчи шу содда дунё замиридаги воқеа-ҳодисаларни тасвирлаш, гуманистик позицияси инсонга бўлган чексиз муҳаббатнинг тимсоли даражасига кўтарилган эди. Чунки адибнинг ижодий оламидаги энг олий мезон — бу одамзод қалбидаги инсонийлик моҳиятини кўрсатиш, иймон поклигига чорлаш, ҳаёт қадрини таъсирчан тарзда англатишдан иборат. *Инсон — тақдир, тақдир — инсон* концепти унинг Сўз олдидаги муқаддас ва масъулиятли миссияси каби намоян бўлади.

Мен Хайридин Султоннинг деярли барча асарларини мутлоаа қилдим. Уш вилоятда, ўзбек дўстлар орасида ўсиб-ўлғайган ва ўзбек тилини билишнинг менга бу борада жуда қўл келди ва шу аснода ижодкор ҳозирги ўзбек адабиётининг сара намуналарини яратётган, замонамизнинг захматкаш адибларидан бири эканига ишонч ҳосил қилдим.

улуг адибларнинг ижодий йўлини давом эттириш билан бирга, муқтабид даврда ҳам ўз бадийи позициясини очик-ойдин намоян қила олган қалам соҳиби ўлароқ танилди.

Уни нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақаси бадийи тафаккурининг даргаларидан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Ҳозирги ўзбек адабиётининг юксаклиги ҳам у каби етук сўз санъаткорларининг ижодий салоҳияти билан ўлчанади, десак, янглишмаймиз.

Адибнинг адабий галереясида китобхонни чинакам завқ ва ҳаяжонга соладиган, чуқур ўйларга толдирадиган, фалсафий ўй-мушоҳадаларга чорлайдиган қатор гўзал асарлар бор. Шахсан мен ёзувчи дўстимнинг “**Чайладаги тўрт эркак**”, “**Дунёнинг сир**”, “**Бунчалар ширинсан, эй аччиқ ҳаёт!**”, “**Бир оқшом эртаги**”, “**Ё, Жамшид!**”, “**Раяно гулининг суви**”, “**Саодат соҳили**”, “**Тўқчилик ва йўқчилик**”, “**Ғўломгардиш**”, “**Уч юз олтимиш тўрт кун**”, “**Нукта**”, “**Омад**”, “**Отабекнинг жанозаси**”, “**Валижон касал бўлди**”, “**Икки қарра қаҳрамон**”, “**Биринчи миллион**”, “**Миллатчининг жазоси**”, “**Уй сотилади**”, “**Байрут хотираси**” ва нисбатан яқинда эълон қилинган “Ишонч телефони” ҳамда “Осмони фалақларда” китобига кирган ўнлаб хикояларини завқ-шавқ билан, роҳатла-

дин Муҳаммад Бобурнинг жаҳонгирлиги, ҳарбий юришларини эмас, аввало, унинг инсоний қиёфасини, маънавий дунёсини талқин қилади. Ушбу образни яратишда ёзувчининг концептуал, тизимли дунёқарши яққол акс этади. Адиб Бобури триумфатор, қаҳрамон ёки идеологик рамз сифатида эмас, балки тақдир, тарихи ва курашнинг оғир синновлари бошидан кечирган, масъулият, маънавий бурч ва гўзал ахлоқ билан яшаган инсон сифатида тасвирлайди.

Унинг мазкур мавзудаги асарларида ҳокимият — фоҳижа, ғалаба — ёлғизлик, шон-шухрат — беқиёс жавобгарлик сифатида ёритилади. Назаримда, Хайридин Султон тарихни миллат учун эмас, инсон учун ёзади. Бу усул орқали ҳақиқий тарих ҳаддан ташқари мифологияга айлантирилмайди, аксинча, инсоний фоҳижа ва йймон танлови орқали реал тарзда қабул қилинади.

Ёзувчи асарларининг гуманистик концепти айнан шу жойда намоян бўлади, у одамзодни идеallashtirmayди, балки уни англашга, тушунишга, ички дунёсининг овозини тинглашга даъват этади. Хайридин Султон тасаввурдаги гуманизм сунъий эмас, тарбия ва интеллектуал хусусиятга эга. У ҳокимият, шон-шухрат, ғалаба каби тушунарларни ҳам инсоннинг

ички драмаси, бурчи, масъулияти, маънавий синновлари орқали очиб беради.

Шу жиҳатдан олиб қаралганда, адиб асарлари Шарққа хос чуқур, бағрикенг, сабр-тоқатли гуманизм намунаси ҳисобланади. Чунки адиб, аввало, Шарқ адабиётининг инсонпарварлик идеаллари руҳида тарбия топган ижодкордир. Унинг насрида Шарқ шеърляти ва фалсафаси, ҳикмати ва донишмандлиги эстетик лейтмотивга айланган. Ёзувчи ўзининг энг муҳим кредосини тарих ва дунё ҳодисаларини инсонийлик нуқтаи назаридан таҳлил қилишда деб билади.

Хайридин Султон кўп йиллар давомида масъулият давлат хизматида ишлаб келаётган бўлса-да, ўзининг ёзувчилик позициясини, қатъий ҳаётий принципларини, эстетик эътиқодини йўқотмаган, аксинча, қалами қўлидан тушмаган камёб зиёлилардан бири экани эътиборга лойиқ. Шу маънода, уни Марказий Осиёнинг “мутафаккир бадийи элитаси”га мансуб, деб айта оламиз.

Маънавий олам даргаларидан бўлиш, албатта, катта шараф, айни вақтда гоят улкан масъулият ҳамдир. Бундай шахс одамларни бирлаштиришга, яхшиликка етаклашга қодир бўлиши зарур. У теран ва кенг сиёсий-ижтимоий, интеллектуал тафаккур эгаси сифатида танилиши ва тан олинishi лозим.

Шу кўз билан қараганда, Хайридин Султон — Ўзбекистоннинг маданий ва ахборот сиёсати шаклланишида бевосита ва самарали иштирок этиб келаётган давлат ва жамоат арбоби, шу билан бирга, бадийи тафаккурни расмий риторикадан устун қўя олган зиёли инсон сифатида ажралиб туради. Унинг ижтимоий ва ижодий фаолияти Марказий Осиё деб аталмиш бепоян минтақамизнинг маънавий тараққиётини, бадийи тафаккурини, тарихий хотираси ва гуманистик қадриятларини ўрганиш ҳамда ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Халқ меҳрини қозониш бахти

Халқнинг маънавий дунёсини сўз орқали очиб берадиган, инсон қалб дунёсини руҳлантириб, уни поклайдиган санъат — бу адабиёт. Адабиёт — одамнинг жамиятдаги ҳаётю ҳолати, даражаси ёки макомидан қатъи назар, катта-кичик барчани бирдек қадри ва эъоз-ли зот, деб тан оладиган муқаддас бойлик. Ушбу бойлик сўздан, ақл ва донишмандликдан таркиб топган. Шу хусусияти туфайли адабиёт — руҳий оламлар коинотидир. Адабиёт ҳар доим “нурли йўл ва у инсон юрагига олиб борадиган йўл”дир. Бу йўлда ўз юртини севган, унга хизмат қилишга умрини бағишлаган, асарларида миллий тилини, урф-одатларини, маънавий ўзагини, Ватанини улуғлаган, чин фарзандлик муҳаббатини баланд пардаларда таранум этган ёзувчигина халқ ишончи ва меҳрини қозона олади.

Замондошимиз, қадрли дўстимиз Хайридин Султон бугун ана шу бахтга мушарраф ўлароқ ижод қилмоқда. Бу унинг чин саодатидир.

Султон РАЕВ,
Қирғизистон халқ ёзувчиси,
Тўқтагул номидаги Давлат мукофоти лауреати.

Анкара шаҳри

(Қирғизистондаги «ЭРКИН-ТОО» газетасининг 2026 йил 16 январь сонидан таржима қилинди).



ҲАЗО СЕКТОРИДА ЎТ ОЧИШНИ ТЎХТАТИШНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИГА ЎТИЛДИ

“Биз Президент Трамп номидан Ҳазодаги можарони тўхтатиш бўйича 20 банддан иборат Президент режасининг иккинчи босқичи бошланганини — ўт очишни тўхтатишдан демилитаризация, технократик бошқарув ва қайта қуриш ишларига ўтишни эълон қиламиз”, деб ёзди АҚШ Президентининг махсус вакили Стивен Уиткофф “X” ижтимоий тармоғида.

Унинг таъкидлашча, иккинчи босқич Ҳазода ўтиш даври маъмуриятини ташкил этиш ва Ҳазони бошқариш бўйича миллий қўмитани тузиш, ноқонуний қуроли тузилмалар аъзоларини қуролисизлантиришни ўз ичига олади.

“CNN”да қайд этишларига, Трамп режасининг иккинчи босқичи, шунингдек, Фаластин полициясини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ҳазо секторига халқаро барқарорлаштириш кучлари (ХБК)ни жойлаштиришни ҳам кўзда тутди. Режага биноан ХБК киритилиши Исроил армиясининг Ҳазо секторини тарқ этишига ҳам имконият яратиши мумкин. С. Уиткофф иккинчи босқич доирасида анклава қайта тикланишини, шунингдек, ҳудуд тўлиқ демилитаризация қилинишини очиклади.

Унга кўра, ҲАМАС ва “Исломиий жиҳод” каби гуруҳлардан қурооларни топшириш талаб этилади. АҚШ махсус вакили ҲАМАСни келишув шартларига тўлиқ риоя қилишга чақирди.

75 ТА ДАВЛАТ

ҲУҚАРОЛАРИГА ВИЗА БЕРИШ ВАҚТИНЧА БЕКОР ҚИЛИНДИ

“Fox News” телеканали мухбирининг АҚШ Давлат департаментига таяниб маълум қилишча, рўйхатда *Сомали, Россия, Афғонистон, Бразилия, Эрон, Ироқ, Миср, Нигерия, Таиланд, Яман* ва бошқа давлатлар бор.

Ҳужжатга кўра, Давлат департаменти бутун дунё бўйлаб консуллик ходимларига амалдаги қонун доирасида визаларни рад этиш бўйича кўрсатма берган. Қарор виза аризаларини текшириш ва баҳолаш тартибига қайта қўриб чиқилганига қадар амал қилади. Чеклов 21 январдан қушга қиради. Янги мезонлар қачон жорий этилиши бўйича эса аниқ мuddат белгиланмаган.

АҚШда аввал ҳам виза тартибларини қатъийлаштириш учун баъзи чоралар қўрилган. Хусусан, Давлат департаменти 2025 йил ноябрь ойида бутун дунёдаги дипломатик ваколатхоналарига янада қатъий текширувларни жорий қилиш ҳақида кўрсатма юборган. Унга кўра, аризаларнинг соғлиги, ёши, инглиз тилини билиши ва молиявий аҳоли қабили ҳисобга олинади. Бундан ташқари, мазкур тартиб асосида кексалар, ортиқча вазнли шахслар, илгари давлатдан нафақа олганларнинг аризалари ҳам рад этилиши мумкин.

БАДАВЛАТ ИНСОНЛАРИНГ УМУМИЙ ВОЙЛИГИ ОШМОҚДА

Сайёрамиздаги энг бой йиғирма инсоннинг бойлиги 2020 йилдан бери тез суръатларда ўсиб бормоқда. Айни дамда уларнинг умумий бойлиги тахминан 3,8 триллион долларни ташкил қилади.

Бу рақам айрим мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулотидан ҳам юқори экани айтилмоқда. Бундан олти йил аввал дунёдаги энг бой инсон Жефф Безос бўлиб, унинг капитални 145 млрд. долларни ташкил этган эди. Ҳозир Илон Маскнинг бойлиги бу рақамдан қарийб беш баробар юқори.

“Forbes” маълумотларига кўра, 2026 йилда дунёдаги энг бой инсон сифатида 714,2 млрд. долларлик капитал билан Илон Маск тарихда 700 млрд. доллар чегарасидан ўтган ilk инсонга айланди. Унинг бойлиги 2020 йилдан бери ақл бовар қилмас суръатларда ўсиб, қарийб 30 баробар ортган. “Google” ҳамтаъсисчиси Ларри Пейж 257,7 млрд. доллар бойлик билан иккинчи ўринни эгаллади. Билл Гейтснинг бойлиги 2020 йилдан бери, деярли ўзгармаган. Уша йили у дунёдаги иккинчи энг бой инсон эди, айни пайтда 18-ўринда.

5 ДАҚИҚА ҚЎШИМЧА МАШҚ УМРИН УЗАЙТИРАДИ

Ҳар куни 5 дақиқа қўшимча жисмоний машқ ва ўтириб ишлаш вақтини ярим соатга қисқартириш миллионлаб одамларнинг узокроқ умр кўришига ёрдам бериши мумкин.

Мутахассисларнинг айтишича, аризмасдай қўринадиган бу одат жамият саломатлиги учун катта фойда келтиради. Буюк Британия, АҚШ, Норвегия ва Швециядан 135 минг киши иштирок этган тадқиқот натижаларига кўра, кунига қўшимча беш дақиқа тез юриш каби ўртача интенсивликдаги жисмоний фаоллик ўлим хавфини тахминан 10 фоизга камайтиради. Норвегия спорт фанлари мактаби бошчилигида ўтказилган тадқиқотда, ўтирган ҳолатда ўтказиладиган вақтни кунига 30 дақиқага қисқартириш эса ўлим ҳолатларини қарийб 7 фоизга камайтириши аниқланган. Яъни кўпроқ ҳаракат қилиш ва камроқ ўтириш соғлиқ учун муҳим аҳамиятга эга. Энг катта ихобиий таъсир ҳар куни жисмоний фаоллиқни камида беш дақиқага ошириш орқали кузатишган.

Яна бир тадқиқотга кўра, жисмоний фаоллик ва меъёрда овқatlanиш учун билан биргаликда олиб борилса, умр сезиларли даражада узайишини кўрсатади. Масалан, беш дақиқа кўпроқ ухлаш, икки дақиқа ўртача ёки кучли жисмоний фаоллик, кунлик сабаботида истеъмолий соғлом одатларга эга бўлган инсонлар учун қўшимча бир йил умр ҳада қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларига кўра, оптимал турмуш тарзи кунига 7-8 соат уйку, 40 дақиқадан ортиқ жисмоний фаоллик ва соғлом овқatlanишдир.

Интернет хабарлари асосида
Шарофиддин ТўЛАГАНОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

2026 йил 1 февралдан аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонликни тартиб қилиш бўйича «Китоб — маърифат манбаи» дастури амалга оширилади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 31 016 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳриратта келган қўламалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Қаримов кўчаси, 55-уй.
Набатчи муҳаррир — Ҳ. Қаримов.
Мусаххих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6